

Абдуллаев Шухрат Джуматурдиевич

**Олий мактаб ўқитувчиси инновацион фаолиятини ташкил
этишнинг педагогик шарт-шароити
(услубий қўлланма)**

Бухоро-2019

КИРИШ

**1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

1.1 ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТДА ИННОВАЦИЯ .

1.2 ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯНИНГ МОХИЯТИ ВА ЙЎНАЛИШИ.

2-БОБ . ОЛИЙ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ

**2.1 ИННОВАЦИЯ, ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ
ҚИСМЛАРИ**

**2.2 ОЛИЙ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ**

3. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

**4. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.
ИЛОВАЛАР.**

КИРИШ

*"Хар қандай миллатнинг равнақи,
умумбашарият тарихида тутган
ўрни, мавқеи ва шухрати бевосита
ўз фарзандларининг ақлий ва
жисмоний этуклигига боғлиқдир"*

Ислом Каримов

Таълим – инсон фаоллигини белгилайдиган муҳим бир тармоққа айланмоқда. Шунинг учун таълим тизимида инсон фаолияти билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ўқитувчи хамкорлигида хал этиш зарур. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу вазифаларни илмий-техника жараёнининг ўзгариши билан боғлиқ таълимнинг янги назариясини яратиш, яъни фанни жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва амалий кўрсаткичларини ривожлантириш натижасида амалга ошириш мумкин.

Республикада таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислох қилиш, уни миллий рух билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларини яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишларга боғлиқ. Бу йўналиш кенг камровли бўлиб, мазмунан такомиллашиб бормоқда. Таълимда янги педагогик технологияларни қўллаш таълимнинг бутун жараёнини аниқ режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнини мақсадга кўра индивидуаллаштиришни назарда тутди.

Таълим тизимининг фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳалари билан интеграциялашувига эришувини таъминлашни бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида кун тартибига қўйилиши бу борада муайян вазифаларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Таълим мазмунини тубдан янгилаш, уни илғор қарашлар билан бойитишга эришиш, таълим-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлигини таъминлаш ана шундай вазифалар сирасига киради.

Ривожланган мамлакатлар илмий-педагогик тажрибаси, мамлакатимизда

илмий-методик изланишлар олиб борган ва бораётган педагог-олимлар илмий-методик хулосаларининг кўрсатишича, замонавий таълим мазмуни, методлари ва воситаларини ўз ичига камраб олган янги педагогик технологиялар қўйилган мақсадга еришишга кафолат беради.

Республика Президенти Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда қуйидаги фикрларга алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлади: "Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назоратга олиш зарур".

Малакали кадрларни тарбиялаш узок муддатли, мураккаб жараён бўлиб, ушбу жараённинг муваффақиятли яқунланиши юқори самарадорликка эга бўлган ўқитиш технологияларини таълим жараёнига қўллашни ва кенг қўламли ахборотлардан фойдаланишда тезкорликка эришишни тақозо этади.

Ушбу мақсадларнинг ижобий натижага эга бўлиши, энг аввало, ёш авлодга илмий билим асосларини пухта ўргатиш, уларда кенг дунёқараш ҳамда тафаккур қўламини хосил қилиш, маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш борасидаги таълимий-тарбиявий ишларни самарали ташкил этишга боғлиқдир. Зеро, юртнинг порлоқ истиқболини яратиш, унинг номини жаҳонга кенг ёйиш, улуғ аждодлар томонидан яратилган миллий-маданий меросни жамиятга намоёни этиш, уларни бойитиш, мустақил Республикаимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш ёш авлодни комил инсон ҳамда малакали мутахассис қилиб тарбиялашга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси (1997 йил 29 август)да қабул қилинган ҳамда бугунги кунда ғоялари амалиётга кенг қўламда муваффақиятли татбиқ этилаётган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мазмунида баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга этказиш жараёнининг мохияти тўлақонли очиб берилгандир. Малакали кадрлар тайёрлаш жараёнининг хар бир босқичи таълим жараёнини самарали

ташқил этиш, уни юқори босқичларга кўтариш, шу билан бирга жахон таълими даражасига этказиш борасида муайян вазифаларни амалга оширишни назарда тутиши лозим. Чунончи, мазкур жараённинг учинчи босқичи (2005 ва ундан кейинги йиллар)да «... таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базаларини янада мустахкамлаш, ўқув-тарбия жараёнини янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминлаш» каби долзарб вазифалар ижобий хал этилмоғи зарур.

Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли хал этилишида яна бир омилнинг мавжудлиги, яъни узлуксиз таълим тизими ходимлари, педагог-ўқитувчиларнинг замонавий таълим технологиялари мохиятидан хабардорликлари ҳамда уларни таълим жараёнида самарали қўллаш олишлари, шунингдек, таълим жараёнини ташқил этишга нисбатан ижодий ёндашувнинг қарор топиши муҳим аҳамият касб этади.

Таълим тизимини ривожлантириш истиқболларини ўрганиб чиқиш, ўқитувчининг инновацион фаолияти орқали самарадорлик даражасини белгилаш, педагогик фаолиятда инновациянинг аҳамияти унинг мохияти ва йўналишини, инновациянинг жамият тараққиётида тутган ўрнини аниқлаш

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республика таълим тизими ва ундаги ўқитиш жараёнини такомиллаштириш мақсадида ривожланган давлатларнинг таълим соҳасидаги ислохотлари таҳлил қилиниб, шунга кўра таълим тизимини модернизациялаш унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилиб олиб борилди.

Дунё таълими олдида турган глобал вазифаларнинг хал қилинишида ечимини кутатаётган муаммолар: олий таълим тизимининг таҳлили, вазифалари, мақсадларини ўрганиш ва керакли тавсиялар яратишга йўналтирилган бўлиб, таълим соҳаси билан шуғулланувчи барча муассасаларнинг ҳозирги кундаги асосий қийинчиликлари, таълимни ташкил этиш ва унинг сифатини юқори даражага кўтариш, бошқариш, молиялаштириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш каби масалаларнинг хал қилинишига қаратилган. Айнан шу муаммолар республика таълим тизимида ҳам мавжуддир.

Тахлилий натижаларга кўра, олий таълим муассасаларининг кейинги йилларда сезиларли даражада кенгайиб бораётганлиги ва сўнгги 10 йил давомида тахсил олувчилар сонининг узлуксиз ўсиб бораётганлиги сезилмоқда.

Изчиллик билан ривожланиб бораётган фан-технологиялар узлуксиз ва замонавий янги фан-технология ютуқларига асосланган бугунги жамиятда бундай ҳолат оддий ижтимоий онг, тафаккурнинг ўсиши натижаси сифатида қаралиши керак. Бу ўринда ҳулосаларни таҳлил қиладиган бўлсак, олий таълим этиштириб бераётган “махсулот”га “харидор”ларнинг талаби ўз йўналишига эга бўлиб, қуйидагича кўринишларда намоён бўлмоқда:

биринчидан – ўз мавқеини яратиш ва мустаҳкамлаш учун ижтимоий нуфузли тоифага эга бўлган давлат дипломини олишга ҳаракат қиладиган шахсларнинг салмоғи;

иккинчидан – маълум тоифадаги дипломга эга бўла туриб, нуфузли

олий ўқув юртларининг дипломларини кўшимча олишга ҳаракат қилувчилар кўлами;

учинчидан - фақат илм олишга интилаётган ва жуда камчиликни ташкил этадиган шахслар салмоғи;

тўртинчидан – касб ўрганишга интилувчилар кўлами, бу гуруҳдаги шахслар миқдори кўпчиликни ташкил этиб, айнан бозор шароитида тобора изчиллик билан ортиб бораётган шу гуруҳ аъзолари таълим сифатини кўтаришга ўз таъсирларини ўтказишлари мумкин.

Шуни қайд этиш жоизки, бугунги кунда “меҳнат бозори”да олий таълим муассасаларини битириб чиққан мутахассисларга этарли миқдорда иш ўринлари яратилмаганлиги сабабли нафақат бугун, балки келажакда ҳам иш топиш муаммолигича қолади. Натижада янгича яшаш тушунчаларини ўзларида сингдирган ва нуфузга еришиш мақсадида билим олган ёшларнинг ижтимоий мавқеига путур этиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Олий таълимни ислох қилиш муаммоларининг тахлили шуни кўрсатадики, таълим тизими алоҳида тармоқ сифатида еътироф этилмоқда. Натижада турли концепция ва қарашлар келиб чиқмоқда, масалан йирик олий таълим муассасаларининг ўртачароқларига нисбатан муносабати, таълимга бўлган тармоқларнинг муносабатлари, ҳудудий таълим муассасаларининг ўзлари ҳақидаги юқори фикрлари каби зиддиятлар мавжуд.

Таълим тизимини модернизациялаш ижтимоий, иқтисодий муаммолардан ажралган ҳолда, тармоқ муаммо сифатида қаралмаслиги лозим.

Таълим соҳасида ҳозирча ўз ечимини топмаган муаммолардан бири ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув тизими томонидан олий таълим муассасаларининг баъзи мутахассисликлар бўйича этарли даражада кадрлар тайёрлаб бераётганига қарамай, ҳозирга қадар ушбу мутахассисларга нисбатан иш берувчилар томонидан талабнинг юқори еканлидир. Аммо ушбу муаммолар аввалдан мавжуд бўлиб, унинг негизини мутахассислик

хақидаги тушунча эмас, балки мутахассис тайёрлаш техникаси ва сифати белгилайди.

Биринчидан, ҳар йили янги мутахассисликлар вужудга келишининг ортиб бориши ва таълим муассасаларининг мазкур кўрсаткич даражасида фаолият юрита олмаслигига оид маълумотларнинг мавжудлиги; иккинчидан, ҳозирги замон ва бозор иқтисодиётининг талабига биноан, интеллектуал салоҳиятли ходим ҳар 5 йилда ўз касбини ўзгартириши жаҳон тажрибасида ижобий баҳоланмоқда. Учинчидан, статистик маълумотларга кўра, касбий нуфузнинг ўсишида еришилган ютуқлар диплом бўйича эгалланган мутахассисликка аксарият ҳолларда тўғри келмаслиги кузатилмоқда, бундан ҳулоса қилиш мумкинки, таълим муассасаси кадрни тайёр мутахассис қилиб етиштириб бера олмайди, **улар иш жойларида синовдан, амалиёт тажрибаларидан, ўтганларидан кейин шаклланадилар, демак шахс ўзлигини намоён қилиши ҳамда ўзи ёқтирган касбда фаолият юритиши натижасида муайян ютуқларга еришиши маълум бўлди.**

Демак, таълим соҳасидаги бугунги мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб изчил чора-тадбирлар қўллаш ва таълим тизимини меҳнат бозори конъюктураси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришни тақозо қилади. Тахлилий материалларга таяниб шуни таъкидлаш жоизки, замонавий олий таълим тизими ёшларни мафкуравий тарбиялашга, таълим мазмунини ва ташкилий тузилишига қаратилган бўлиши керак. Етук мутахассисни таълим муассасалари тарбиялаб бера олмайди, етук мутахассис даражасига еришиш учун бититувчи маълум амалиёт даврини, апробация босқичларини ўтганидан сўнггина эришади. Бу ўринда олий таълим муассасаларида ўқиш давридаёқ меҳнат фаолиятини бошлаб юборган таҳсил олувчиларни алоҳида ҳисобга олиш керак, чунки улар ҳар хил давлат ва нодавлат ташкилотларида ишлаб, амалиётдаги фаолиятини ўқув дастурлари билан солиштириш имкониятига эгадир, натижада таҳсил олувчи ўқитилаётган фанлар мажмуасидан, фан дастурларидан айрим ҳолларда қониқиш ҳосил қилмайди ва дастурларга ўзгартиришлар киритиш керак деб ҳисоблайди. Ўз навбатида

олий таълим муассасалари ўқитувчиларига ноқулайликлар яратиши ҳам мумкин, чунки эркин бозор муносабатлари даврида ҳар хил мулкчиликка эга бўлган корхоналарнинг ўз қизиқишларидан келиб чиқиб олиб бораётган фаолият доирасини фан дастурларида қамраб олиш қийин ва мақсадга ҳам мувофиқ эмас.

Шу билан биргаликда таълим тизимини такомиллаштириш таълимнинг узвийлигига яъни, мактаб, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаси, умумий ахборот воситалари, масофавий таълим олишни ҳам қўшиб қараган ҳолда бир бутун шаклда тараққий эттирилиши керак. Ёшларнинг бугунги олган билимлари уларга 10-15 йилдан кейин меҳнат фаолиятини актив ҳолда олиб боришлари учун хизмат қилиши керак бўлади. Чунки улар ўша даврга хос бўлган техник жихозларни ишлатиш, бошқарув муаммоларини ҳал қилиш ва янгиликлар ишлаб чиқишлари кўзда тутилади.

Ҳозирги даврдаги геоиқтисодий ва геосиёсий тузилмасининг таркиб топаётган даврида стратегик рақобатбардошлигини таъминлаш учун қуйидаги тўрт вазифани бажариш керак:

- Биринчидан – мавжуд хомашё комплексининг стратегик қайта тuzулмасини таъминлаш. Бу ерда барча табиий ресурслардан тортиб, иқтисодий стратегик аҳамиятга эга бўлган манбалар ҳам қайд этилиши керак, ҳамда бу ресурслардан қандай фойдаланиш, қанча миқдорда ва қаерларда ишлаб чиқариш керак деган саволларга жавобни ўз ичига олиши кўзда тутилади.

- Иккинчидан – янгича иқтисодиёт негизида хўжалик тузилмаларини қайта ўзлаштириш. Бунинг учун керакли коммуникацион инфраструктурани яратиш, ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган давлатнинг ривожланиш сиёсатини демографик ҳолатлари ҳисобга олиниб “таянч ҳудудлар”ни ишлаб чиқиш ва улардан оптимал фойдаланиш учун шароитлар яратиш.

- Учунчидан – ижтимоий тузилманинг инновацион ривожланишини таъминлаш. Бу нафақат тижоратлаштириш ва собиқ иттифоқ давридаги илмий лойиха ишланмаларини ҳаётга тадбиқ этиш, балки узилишларга эга

бўлган фанни таълим ва кадрлар тайёрлашдаги синтезини таъминловчи миллий инновацион инфраструктурани қайта тиклаш услубларини яратиш.

- Тўртинчидан – кишиларнинг ўз маданиятини сақлаши ва у билан хамжихатлили мақсадини амалга ошириш. Бунинг учун тарбия билан таълимнинг яқдиллигини таъминлаш.

Келтирилган вазифаларнинг ўзаро узвийлиги шундаки, биринчи ва иккинчи кўрсаткичларни бажарилиши тўртинчи кўрсаткич билан боғлиқ. Бир томондан фан соҳасини, иккинчи томондан таълим соҳасини қайта қуриш яратилаётган инновацион жараённинг қудратини таъминлайди. Натижада республиканинг глобал жипслашув ва рақобатбардошли стратегиясига ўз таъсирини ўтказади. Бошқача қилиб айтиладиган бўлса, **таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни келажак миллий инновацион тизимнинг белгиловчи элементи сифатида режалаштириш ва қайта қуриш керак.** Яна бошқа диққатга сазовор кўрсаткичлардан бўлиб, таълим тизимининг юқори босқичи (магистратура, аспирантура, докторантура) хисобланади ва унинг зиммасига **“ишлаб чиқарувчилар”** синфини яратиш юклатилган. Улар янги авлод **“инженер-техникларини, бошқарув ва ижтимоий маданий”** соҳа кадрларини инновацион йўл орқали тайёрлаб беришга қаратилган. Ўрта ва пастки босқич тизими еса, умумий **“харидорлар”** ва инновацияни **“истеъмол қилувчилар”** синфини шакллантиришга қаратилган бўлиб, бу муаммони улар барча соҳалар ва йўналишлар бўйича бакалаврлар тайёрлаш йўли орқали амалга оширадилар.

Шунинг учун таълим соҳасидаги хар қандай ислохотларга жуда ехтиёткорлик билан ёндошмоқ лозим. Хар қандай ечимни қабул қилишга шошилмай ёндошиб, келажакда ўзимизни инновацион қайта тикланишдаги йўлимизни беркитиб қўймасликка харакат қилмоқ даркор. Биз ўзимизга келажакда таълимни ислох қилишга қаратилган инновацион оқимдан таълим тизимининг айрим соҳаларини ёки бутунлай узиб қўядиган қарорлар қабул қилишга ехтиёткорлик билан ёндошишимиз керак.

Хар қандай жамиятда таълим тизими учта асосий функцияни бажаради:

Биринчиси – у жамиятдаги яшаш нормаларига ўргатади ва биринчи малакавий квалификацияни беради;

Иккинчиси – у 3-5% дан иборат юқори малакали ишчилар синфини шакллантиради;

Учинчидан – жамиятнинг ҳар хил тоифадан чиққан вакилларини уларнинг қизиқишига, махоратига қараб “аралаштиради” ва ҳаммага бир хил “старт олиш”га имкон яратади.

Ўзбекистон бугунги кунда дунё давлатлари орасида ўзининг такомиллашган таълим тизими билан ўз мақеини йўқотмай келмоқда. Кейинги йилларда таълим тизимининг янада ривожлантиришга ва такомиллаштиришга давлат бошқарув тизими алоҳида эътибор қаратмоқда.

Таълим – ҳар бир давлатнинг ўзига хос бўлган муҳим инфраструктураси эканлигидан келиб чиқиб, уни ҳеч бир давлатда тўлалигича бозор муносабатлари назоратига топшириб қўйилмайди. Демографик жипслашиши жихатидан ва кучли ҳудудий ўқув-илмий тизимни ривожлантирилиши режалаштирилаётган истиқболдаги стратегик вазифа ҳисобланиб, ечимини мақсадли давлат дастурларида акс этган қўшимча бозор механизмларини киритилиши орқали олиб борилади.

- **Замонавий инфраструктура тизимини яратиш** иқтисодиётнинг барча тармоқларида долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. У инсон ресурсларини капитализацияси билан боғлиқ, у таълим ва кадарлар тайёрлаш соҳасида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бундай инфраструктура на фақат Ўзбекистон таълимини жаҳон таълим тизимига киришини, балки таълим мухитидан ташқари жараёнларга “қўшилишини”, яъни: сиёсат, ижтимоий ривожланиш, иқтисод, хўжалик юритиш каби соҳаларда ўқитиш, тайёрлаш, таълим бериш ва тарбиялаш орқали тенг ҳуқуқга эга бўлишини таъминлаши кеарак. Бундай инфраструктура таълим тизимида учта ёндошувга эга бўлади:

- **Рақобатбардошликни таъминловчи омиллар–продуктив ва репродуктив фаолиятнинг амалиётдаги ўрни** ҳисобга олиниб, у мамлакатнинг территориясида амал қилади.

- Ижтимоий капитални хосил бўлиш манбалари–ёшларни тарбиялаш, маданий ва ёшлар сиёсати, ижтимоий коммуникация каби кўрсаткичлар асос қилиб олинади.

Қайд этилган инфраструктурани яратиш, лойихалаш ва нормал ривожланиши бугунги кунда давлатнинг жамият ва давлатнинг бизнес билан стратегик ҳамкорлигида акс эттирилиши керак. Таълим соҳасининг айнан шу босқичини таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида янги вазифаларни белгилаши мумкин. Собиқ иттифоқ даврида таълим тизимида оид яратилган концепциялар ва лойихалар, иқтисодиёт тармоқларини бошқариш турларидан, маънавий мафкуранинг ягоналигидан, таълим меъёр билимлар манбаи еканлигидан алоҳида кўрилар еди. Бизнес соҳаси ўз-ўзидан йўқотилиб, жамият ечимлар қабул қилинадиган субъект емас объект шаклида юритилар еди. Хозирда қабул қилаётган ечимларни қайси бирини функционал вазифаларидан келиб чиқиб, ёпиш ёки ривожлантириш кераклигини (бунга касбий таълим соҳасида ўтказилаётган реформалар ҳам киради) аниқлаш имконияти яратилмоқда. Келажак тарққиёти учун яратилаётган инфраструктуранинг “генерал режа” модели бир бутунликни, унинг хар бир босқичида бажарилиши мўлжалланган вазифаларни бажара борилса кутилаётган натижаларга ерилиши мумкин.

Янги инфраструктура модели 2013 йилгача таълим соҳаси субъектлари билан очик мулоқотда бўлиб, янгича режалаштириш бўйича бажариладиган вазифаларни тақсимоти ва муддатларини ишлаб чиқишига қаратилган.

Ўзбекистон учун бугунги умумий гипотеза бу қайд этилган инфраструктурани яратишни бошлаш, яъни бундай инфраструктурани “бошлангич босқичда”да бажарилиши кўзда тутилаётган модулни таҳлил қилиш ва лойихалашни бошлаш, таълим ва мутахассислар тайёрлашни меҳнат бозори билан алоқаси, таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнлари хулосаларини инобатга олиш. Таълимдаги инфраструктура тизими бакалаврият ва магистратура таълим тизимиининг ҳамжихатлигида таҳлил

қилиниши керак. Чунки, айнан шу босқичда таълимга иқтисодиёт тармоқларидан бериладиган буюртмалар шаклланиб, янги ишчи ўринларига талаблар аниқланади. Янги фаолият намуналари – аввал *“мутахассис модели”* деб номланган мутахассис билимига бўлган талаблар аниқланади ва белгиланади.

Масалани бундай тарзда қўйилиши, 2-5 йил давомида таълим соҳасини барча ички ва ташқи субъектларнинг, бошқарув субъектларнинг иштироки билан ислохат ўтказишда ижобий натижаларни бериши мумкин. Ҳамда айнан шундай реконструкция асосида фаолият юрита бошлаган таълим “махсулот”ларига талаб ва еhtiёжни ошиб боришини таъминлайди. Бу тизим тўғридан-тўғри янгидан шаклланаётган миллий инновацион тизим билан боғлиқ бўлиб яъни, кенг қамровли инновацион лойиха ҳисобланиб, у Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бир бутун бошқарув тизимида фаолият юритишини таъминлайди.

Дунё таълим тизимини ислоҳини таҳлили билан шуғулланувчи экспертлар таълим муассасалари ичида “юқори даражали” (элитний) олий таълим муассасалари ва илмий мактабларга алоҳида ўрин бериши керак деб ҳисоблайди. Биринчидан бундай фикр ҳеч қандай ноўрин ҳисобланмайди чунки, Ўзбекистон таълим тизими ўзининг маданияти, илми, техник тараққиёти, иқтисодий ривожланиш даражаси билан ривожланган давлатлар ўртасида рақобатлаша олади. Асосий илмий мактабларини “сифат намуна”лари шаклида сақлаб қолиши ва уларни яна қайтадан ривожлантириши ва бутун таълим тизими соҳасидаги кадрлар тайёрлашдаги стандартларни тарғибот қилиши мумкин.

Иккинчидан эса, шубҳа уйғонади, нега шундай ҳам кучли таълим муассасаларига яна махсус қўллаб-қувватлаш тизимига асосланган чора керак.

Бир таҳсил олувчига тўғри келадиган нормаланган молиялаштиришга ўтиш қатъий характерга эга. Бунда бюджетдан ажратмалар механизмининг барча босқичлари ошқоралик асосида юритилиб, ойдинлаштирилиб хар йили

керакли ўзгартиришлар киритиб борилади. Хар бир таълим муассасасига смэта бўйича молиялаштиришнинг ўрнига, ўзига йўналтирилган(персонал) бюджет маблағларини ажратиш таълим бозоридаги сиёсатни ўзгартиради, натижада таълим муассасалари кафолатланган молиялаштиришнинг ўрнига бозорда хар бир тахсил оловчи учун кураш олиб боради. Бундай холат ўз-ўзидан таълим муассасаларининг жамиятни талаби асосида таълим сифатини оширишга бўлган интилишларига ижобий таъсир кўрсатади. Бюджетдан молиялаштиришни ойдинлашишига ва асосланишига олиб келади. Яна шуни ҳисобга олиш керакки, таклиф этилаётган усулни тўлалигича ижобий деб бўлмайди, чунки “тахсил оловчи учун кураш” “этакчи” олий муассасаларига нисбатан олиб қаралганда худудий таълим муассасаларини ахволини оғирлаштириши ва таълим сифати этарли даражага кўтарилмай, ғолиб таълим муассасаларини автоматик мавқеини ўстиришига сабаб бўлиши мумкин.

Шу билан бир қаторда базордаги талабни қондириш мақсадида “қўштирноқ ичидаги таълим муассасаларини” давлат аттестациясидан ўтказиш ва таълим сифати назоратини ташкил этиш ҳам муаммолидир. Бу ўринда ҳам давлат ҳам нодавлат таълим муассасаларини мустақил экспертлар томонидан рейтингини баҳолашни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агар шундай тартибга амал қилинмаса, асосланмаган аттестация натижалари ва таълим муассасалари атрофидаги коррупциянинг кўшимча манбаларини иштироки асоссиз таълим муассасаларини ёпилишига ёки хизмат фаолиятини чекланишига сабаб бўлиши мумкин. Таклиф этилаётган хулосаларни ўзида бугунги кунда, таълим тизимини баҳолаш критерияларида камчиликлар борлигига диққатни қаратади. Чунки ўтган ўн йил давомида олий таълим муассасалари ўзларини-ўзлари баҳолашлари натижасида бирорта ҳам таълим муассасаси ўз фаолиятини тўхтатмаган.

Таълим муассасаларига мақсадли қабул қилиш ўрнига таклиф этилаётган субсидия ва субвенция орқали қабулни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир, чунки қишлоқ жойларни мутахассис кадрлар билан таъминлаш учун олиб

борилаётган бу тадбир керакли натижа бермаяпти. Бу ерда яна таълим учун берилган субсидияларни қайтариш механизмини кўриб чиқиб, иш шароитлари талаб даражасида бўлмаган шароитларда ишлаётган ёшлар томонидан бу субсидияларни йиллик тенг миқдорларда қайтаришни камайтириш механизмини ҳам ўйлаб кўрилса ижобий натижаларга олиб келади.

Олиб борилаётган тадбирлар тахлили натижасида давлат томонидан еътиборга лойиқ масалани қисқартирилган характерини кузатиш мумкин Буларга:

Биринчидан – ўрганилаётган масалани худудийлигидан келиб чиққан холда, мамлакатнинг барча этакчи олий таълим муассасаларида, на худудлардаги вазиятни кўп қирралилиги, на еришилган тажриба ютиқлари еътиборга олинмаган.

Иккинчидан – бугунги кунда молиялаштириш ва уни ташкил этишга диққатни жалб этиш, хозирча олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги реформани сустрлашишига ва ўзаро узвийлигини пасайишига сабаб бўлмоқда. Бугунги таълим дастурлари моделини талабга жавоб бермаслиги ва барча харакатларимизни шу муаммони хал қилишга қаратиш кераклиги диққат-еътиборимиздан тишуб қолмоқда.

Учинчидан – хозирча иккита бир-бирига қарама-қарши: ўрта таълимдан олий таълимга ва бакалавриятдан магистратурагача мавжуд тизимнинг ичидаги асосий қирралари аниқ ишлаб чиқилмаган.

Тўртинчидан – шу кунгача олий мактаб билан фаннинг ўзаро бирлашув модели тизимини яратиш хақидаги фикрларнинг мохияти хал қилингани йўқ.

Олий таълим тизимига бўлган талабни, фақатгина уни республика даражада “рамка”га солинганлигини таъминлай олиш йўли билан еришилади. Бунда олий таълим муассасаларини қонунчиликка таянган холда, давлат ташкилотларининг талаблари асосида мустақилликларини жавобини топиш йўлини излаш керак бўлади. қайд этилган усул билан таълим олишга интилган барча ёшдаги шахсларга пулли таълим хизмати кўрсатиш билан

бир қаторда, олий таълим муассасаси қонунчиликда рухсат этилган барча коммерсия шаклига асосланган тўғридан-тўғри билим бериш ёки илмий изланиш фаолиятини олиб боришлари мумкинлигини таъминлаш керак бўлади. Аммо бу ўринда таълим тизимини молиялаштиришдаги қийинчиликлар натижасида берилган таклифларга эришиш анча мураккаб. Яна шуни ҳисобга олиш керак бўладики, ҳозирги кунда олий таълим муассасаларининг на бошқарув аппарати ва на ўқитувчилар жамоаси давлат ташкилотлари статуси билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар, таваккалчиликни субъектив тасирларини тўла тушуниб этганаларича йўқ.

1. Олий таълим муассасалари ректорлари Кенгаши аъзолари собиқ иттифоқ давридан мерос бўлиб қолган тизимга ўта талабчанлик билан ёндашадилар. Барча шу давр билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларни “пушти” рангда, яъни институтларни тамомлаган таҳсил олувчиларнинг дипломларини мавқеи, диссертацияларнинг натижалари ва шунга ўхшаш таълим, фан билан боғлиқ кўрсаткичлар уларнинг назарида юқори баҳоланиб, келажак офатдай кўрилади.

Таълим соҳасида олиб борилаётган реформаларнинг кўриниши бугунги кунда шундай акс эттирилганлиги натижасида, уни янада чуқурлаштириш сусткашлик ва тенгсизлик асосида жорий этиб борилишига сабаб бўлмоқда. Таълимни реконструкциясини тезкорлик билан ўтказилиши талаб этилишига қарамасдан, уни ўтиш даври чўзилиб кетаётганлиги вазирлик томонидан “Кўп укладли” моделни қўллашни тақазо қилмоқда.

2. Олий таълим олишга бериладиган еътиборнинг феномен эканлиги факт бўлиб, аҳолисининг ярмидан кўпи диплом олишни мажбурий деб ҳисоблайди. Иш берувчиларнинг дипломли мутахассисга бўлган муносабати яъни, малакавий мутахассислигидан қатъий назар олий таълимни нормал ҳолат деб ҳисоблашлари ҳам таълимга бўлган муносабатга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Олий маълумот ҳақидаги дипломли мутахассиснинг ишлаб чиқариш муҳитини ўзлаштиришида, биринчи ижтимоий

муносабатларини шаклланишида, маълум миқдордаги маданият минимуми даражасини, компитентлилик минимуми кўникмаларини хосил қилишида муҳим рол ўйнайди. Талабларнинг юқори поғоналарида – йирик ишлаб чиқариш корхоналарида иш ўрнига талабгор қайси олий таълим муассасасини тамомлагани асосий рол ўйнайди. Кейинги таълим тизимини реформа қилинишида айнан шу кўрсаткичга эътиборни қаратиш кераклиги бугунги кун талабидир.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, таълим тизими ўз фаолиятини бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо, тадбиркорлик ва кичик бизнес билан шуғулланаётган “ишчи” вазифасини ўтаётган кадрлар тайёрлаб беришга йўналтира олмайди. Чунки таҳлил натижаларига кўра бугунги олий маълумотли мутахассисларнинг аксарият қисми айнан шундай фаолият билан шуғулланмоқдалар. Миллий инновацион инфраструктурани яратиш вақти келди, жамият юқори савияли интеллектуал ижтимоий ирудициясини ўзининг самарали фаолиятида қўллай оладиган юқори билимли авлодга мухтожлиги аниқланмоқда. Демак, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки – бугунги кун талаби ирудицияли фаолиятдир.

ИННОВАЦИЯ, ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Инновация (инглизча инноватион) - янгилик киритиш, янгиликдир. А.И. Пригожин **инновация** деганда *муайян ижтимоий бирликка - ташиқлот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан тургун унсурларни киритиб боровчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.*

Тадқиқотчилар (А.Л. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: *янгиликнинг индивидуал микросатхи ва алохида-алохида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатхи.*

***Биринчи ёндашувда** хаётга жорий этилган қандайдир янги гоё ёритилади.

***Иккинчи ёндашувда** алохида-алохида киритилган янги маъранинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашидир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини тахлил қилишда хаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилади. У қуйидаги босқичларни қамраб олади:

- 1. Янги гоё тузилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи. У кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.*
- 2. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.*
- 3. Яратилган янгиликни амалда қўллай билиш босқичи.*
- 4. Янгиликни ёйиш, уни кенг тадбиқ этиш босқичи.*

5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.

6. Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.

- В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади эса инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.
- Янгилик киритишнинг тизимли концепсияси муаллифлари (А.И.Пригожин, : Б.В.Сазонов, В.С. Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.
- **Биринчи шаклга** янгилик киритиш оддий ишлаб чиқиш сифатида киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуқлидир.
- **Иккинчи шаклга** янгиликни кенг қўламда ишлаб чиқиш тааллуқлидир.
- Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.
- Янгилик - бу воситадир: янги метод, методика, технология ва бошқалар.
- Илмий йўналишларда **янгилик** ва **инновация** тушунчалари фарқланади.

Педагогик инновацияда «янги» тушунчаси марказий ўрин тутди. Шунингдек, педагогик фанда **хусусий, шартли, маҳаллий** ва **субъектив** янгиликка қизиқиш уйғотади.

- **Хусусий янгилик** В.А. Слостениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим махсулоти унсурларидан бирини янгиланиши кўзда тулади.
- Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси **шартли янгилик** ҳисобланади.
- **Маҳаллий янгилик** конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади

Р.Н.Юсуфбекова **педагогик янгиликка**, ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб боровчи назария ва амалиётга елтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновацияда Р.Н.Юсуфбекова *инновацион жараён тузулмасининг уч блокани фарқлайди:*

- **Биринчи блок** - педагогикадаги **янгини** ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шарт-шароити, янгиликнинг меъёрлари, янгининг уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари киради.
- **Иккинчи блок** - янгини идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик хамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва новаторлик, инновация мухити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.
- **Учинчи блок** - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янгини тадбиқ этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидир. М.М.Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари киши ётиборини ўзига тортади.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти тузилмаси

Ўқитувчининг инновацион фаолиятига яратувчилик жараёни ва ижодий фаолият натижаси сифатида қаралади.

- В.А.Сластенин ўқитувчининг инновацион фаолиятини тузишда унга акмеологик жихатдан ёндашади.
- Акмеология (акте) - юнунча олий нуқта, ўткир, гуллаган, етук, энг яхши давр деган маъноларни билдиради.
- Б.Г. Ананев, Н.В.Кузмина, А.А.Деркач ва бошқалар касбий фаолиятнинг самарасини ошириш билан йўғрилган инсон ҳаётининг энг ижодий давлари, етуклик босқичлари тўғрисида фикр юритадилар. Улар етук инсонларнинг профессионализи, шахс ривожланишининг гуллаган давридаги психик қонуниятлари, профессионализмга этишдаги баландликлардан ота олиш масалалари билан шуғулланганлар.

Юксак профессионализмга эришишнинг омиллари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

- истедод нишонлари

-ўқувчилик

-қобилият

- истедод

-оила тарбияси шароити

-ўқув юрти

В.А.Сластенин ижодий индивидуализмни рўёбга чиқаришнинг асосий вазифаларини қуйидагича белгилайди:

- *ижтимоий моҳият касб этган маданиятни бойитиш;*
- *педагогик жараён ва шахс билимларини янгилаб туриш;*
- *самарали ва ахамиятли меёрларни белгилайдиган янги технологияларни топиш;*
- *шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи намоён қила олиш асосида ўз ривожланишини таъминлаш;*

Креативлик термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.

Ж.Гилфорд креативликни тавсифлайдиган қатор индивидуал қобилиятларни кўрсатади:

- фикрнинг раволиги;
- фикрни мақсадга мувофиқ йўллай олиши;
- ўзига хослик (оригиналлик);
- қизиқувчанлик;
- фарзлар яратиш қобилияти;
- ҳаёл қила олиш, фантастик (фантазия.)

Ўқитувчининг инновацион фаолияти ўз ичига янгиликни таҳлил қилиш ва унга баҳо бериш, келгусидаги ҳаракатларнинг мақсади ва концепциясини шакллантириш, ушбу режани амалга ошириш ва таҳрир қилиш, самарадорликка баҳо бериш қобиларни қамраб олади.

Инновацион фаолиятнинг самарадорлиги педагог шахсияти билан белгиланади

Педагогик фаолиятнинг таркибий қисмлари:

- 1. диагностик фаолият**
- 2. конструктив фаолият**
- 3. ташкилотчилик фаолияти**
- 4. коммуникатив фаолияти**
- 5. прогностик фаолият.**

2.2 ОЛИЙ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

- Мутахассислик маҳорат ва билимларни ўзи ривожлантириши қулай, ихчам тизимларни тараққий эттириш нуқтаи назаридан, рефлексив - гуманистик педагогика ва бирлашиб ижод қилиш психологияси асосида яратиладиган интенсиф- инновацион методлар юқори самарага эга бўлишлари мумкин.
- Бизнинг фикримизча рефлекс-гуманистик ёндошишнинг асосий аксиологик ютуқлари асосларидан бири, барбод этмайдиган услубларни кўпайтириб, тараққий эттириш мумкинлигини амалий исбот қилиб бериш бўлди. Шундай қилиб янги концепция яратиш, янгиликни кашф қилиш учун ҳеч ҳам ўтмиш меросидан бирор нарсани бузиш шарт эмас.
- Биргаликда ижод қилиш асосий гуманистик тамойил амалиёт иштирокчилари ҳар бир ички ва ташқи ҳаёти турли туманлиги (полифоник) кўпайиши доимий ривожланиш тўлаллиги (ягоналиги)ни таъминлашдан иборат.
- Ўқитувчи инновацион ҳаракатини амалга оширишга имкон берувчи ўринда ривожланувчи муаммоли-рефлексив полилогни кириталади

Услубдан мақсад: ўқитувчида инновацион фаолият муаммоларини мустақил тушуниб этиш ва инновацион қарорга келишга ижодий имкониятларини долзарблаштириш ва ривожлантириш. Бундай услуб қуйидаги босқичлардан ташкил топган:

1. Мактаб муаммоларини ишлаб чиқиш босқичи, унда ҳар бир иштирокчи, илгаригиларни такрорламай, ўзи муаммони тузишига ҳаракат қилади.
2. Ушбу муаммоларни ҳал этиш бўйича ғояларни олдинга суриш босқичлари.
3. Жамоатчилик бўлиб биргаликда муҳокама қилиш.

Биринчи гуруҳ диққатни бўлажак янгиликни лойиҳасини ишлаб чиқишга,

уни ўз тушунишларида ечиб отлаб беришга жамлайди. Чунки гуруҳ мунозара охирида фақатгина битта ишлаб чиқилган вариантни умумий муҳокамага олиб чиқишлари керак.

Полилог «айлана» тузилишда ташкил этишнинг мазмуни биринчидан фақатгина тузилишидан «илгарилаб кетган, сурилган» ўқитувчилар муаммоларини ечишда ривожлантирувчи натижа бериши таъминлаши балки маълумотни камроқ ва ижодий муаммоларни ҳам ечишдан иборат. Қайтаришга имкон бермаслик воситасида ҳар бир иштирокчи томонидан муқобил ечимларни англаб етиш, максимал самарага эришилади, кейинги инновацион хатта-харакатларни ривожлантириш услуби нуқтаи назарлар ҳақида мунозаралар услуби бўлиб, бунда турли педагогик янгиликлар ҳақида маълумотлар олишга имкон берилади, балки уларни танқидий таҳлил қилиш жараёнини ҳам таъминлайди. Бундай мунозара механизм уч гуруҳга ажратишни кўзда тутди.

- Гуруҳ ўз янгилик лойиҳасини баён этиб бергандан кейин, муҳокамага иккинчи гуруҳ кўшилади, уларнинг вазифаси таклиф этилган янгиликка нисбатан бошқа муқобил вариантларни аниқлаб олиб ва бунга асосланган ҳолда биринчи гуруҳ фикрларини нотўғри эканини исботлаб беришдан иборат. Таклиф этилган фикрни рад этиб иккинчи гуруҳ ўз ечимини ишлаб чиқишга киришади. Шундан сўнг улар ҳам ўз дастурларини баён қиладилар-Учинчи гуруҳнинг вазифаси лойиҳалар анализ қилиб баён этилган лойиҳаларда конструктивликни излашдан иборат. Чунки бу синтез қилиб ҳал этиш муроса йўлларини излайди. Шундан кейин гуруҳлар вазифалари ўзгартирилиб бу цикл айланиб яна бошқатдан такрорланади.
- Гуруҳлар ишлаб чиққан ҳар қандай ижобий натижалар ҳар бир босқичда қайд этиб берилади. Аммо амалда шундай вазиятлар вужудга келадикки, бир вақтни ўзида бир нечта лойиҳалар таклиф этилади. Улардан ҳар бири конструктив ечимга эга бўлади. Бу ҳолда «ечимлар аукцион» ўтказишга тўғри келади. Унинг мазмуни лойиҳаларни

умумий пленумда янада чуқурроқ тахлил қилишдан иборат. Натижада ечимнинг ҳар бир лойихаси тахлилий экспертизадан ўтади. Бу «савдо» механизми ёрдамида амалга оширилади. «Маблағ» сифатида уларни тадбиқ этишдан келадиган натижа ҳисобланади.

- Шу тариқа янгилик киритиш натижасида юзага келадиган жараён ва ходисалар ҳақида ягона тасаввур шаклланади
- Ходисалар авж олиши ва амалий қўлланиши механизми янгиликни ишлаб чиқишда кўзга кўринмаган салбий камчиликларни юзага чиқаради, ушбу тартиб таклиф этилган янгиликларни уларни амалда қўллаш мумкинлик даражасини классификация қилиб беради. Натижада энг кўп салбий натижаларга эга бўлганлари рўйхатдан ўчирилади.
- Демак «лойихалар аукциони» янгиликни кўрилишда турли қарама-қаршилиқлар ва низолардан келиб чиқадиган натижалар ривожланиши чуқур анализ қилиб чиқишга имкон беради.

Рефлексив- инновацион амалиёт дастури иштирокчиларини таништириш билан бошланади. Эмоционал рефлексив ошкоралик ва хушмуомалалик муҳитига имкон беради. Амалиётга ижодий фикрлашнинг ривожлантириш машқлари киритилади.

Кейинги босқич – ҳамжихатликда ижоднинг ҳаётийлиги ўзи ёқтирган ҳикояларни айтиш кейин эса уларни мактаб ҳаётига киритиш, қаҳрамонлар характерини кўрсатиб бериш, сюжет ўйлаб топиш ва ижро этиш. Шундан кейин у ёки бу персонаж номидан монолог ўқилади, қаҳрамонлар характери анализ қилинади. Шундан кейин мактаб муаммолари кўрсатиб берилади, улардан энг муҳимларини «қ» белгиси билан белгиланади. Асосий машқлар эса ўқитувчи инновацион фаолияти таркибий ташкил этувчиларини моделлаштиради. қуйидаги машқлар киритилади: ассоциатив давра, педагогик консулиум, ижодий тортишувлар, очиқ дарслар, практикум дастурига талабаларни ўз рефлексив фикрлашини баҳолаш анализ қилиш мэторефлексия даражасига олиб чиқувчи топшириқлар кириталади. Бу

мақсад учун ўзини анализ қилиш таянч темалари ва ўзига ҳисобот бериш дастурлари бўлган махсус машқлар хизмат қилади.

Кейинги қийинчиликлар гуруҳи педагог ўзи излаб топган услубларни умумлаштириш ва тасвирлаб бера олмаслиги билан боғлиқ. Тезисларни ифода этиш тематик кўринишда бўлиб, янгиликнинг мазмунини қамраб олмайди. Улар методик талаб ва қоидалар сифатида тақдим этилади, баъзида ярим йиллик буйича машғулотлар тематикаси, уларни педагог инновацион фаолият учун ахамиятлироқ ҳисоблайди. Бу рўйхатга у аниқ ҳисобга олган ва англаб етганлари ҳаммаси ҳам киритилмайди. Қоидалар бир қисми педагог фаолиятида унчалик кўзга ташланмай ўз-ўзидан маълумдек тушунилади

Кейинги қийинчиликлар гуруҳи педагог ўзи излаб топган услубларни умумлаштириш ва тасвирлаб бера олмаслиги билан боғлиқ. Тезисларни ифода этиш шематик кўринишда бўлиб, янгиликнинг мазмунини қамраб олмайди. Улар методик талаб ва қоидалар сифатида тақдим этилади, баъзида ярим йиллик буйича машғулотлар тематикаси, уларни педагог инновацион фаолият учун ахамиятлироқ ҳисоблайди. Бу рўйхатга у аниқ ҳисобга олган ва англаб етганлари ҳаммаси ҳам киритилмайди. Қоидалар бир қисми педагог фаолиятида унчалик кўзга ташланмай ўз-ўзидан маълумдек тушунилади

Бекаму-кўст ва тизимлаштириб таърифлаб бермаслик талабага концепция яратишгача кўтарила олишига ва педагогик амалиётни тушуниб ташкил этишга имкон бермайди. Ҳояни ҳақиқий қабул қилинган модел, сўнг эса амалий қўлланиладиган дастурга айлантириш узоқ давом этадиган ва мураккаб жараён. У талаблар, илмий раҳбарнинг лойиха устида ва муҳим икки омилларга тегишли қайта ташкил этиш тизими устида биргаликда чуқур изланиш ишларини олиб боришларини кўзда тутди. Улардан биринчиси асосий ташкилий қисмини, аниқ ифодаланган стратегик ва тактик муваффақиятлари намуналари сифатида, кўрсатиш билан боғлиқ. Иккинчи муҳим омил, таълим тизими бир ёки бир неча ташкил этувчиларни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган кўзланган мақсад ва ютуқларга жавоб бера оладиган восита ва услубларни ишлаб чиқишдан иборат бўлади: ўқув

мазмун, уларни ўзлаштириш шакли, ўқув тарбия жараёнининг мазмун ва характери

Улардан биринчиси асосий ташкилий қисмини, аниқ ифодаланган стратегик ва тактик муваффақиятлари намуналари сифатида, кўрсатиш билан боғлиқ. Иккинчи муҳим омил, таълим тизими бир ёки бир неча ташкил этувчиларни ўзгартириш билан боғлиқ бўлган кўзланган мақсад ва ютуқларга жавоб бера оладиган восита ва услубларни ишлаб чиқишдан иборат бўлади: ўқув мазмуни, уларни ўзлаштириш шакли, ўқув тарбия жараёнининг мазмун ва характери.

Аниқ ифода этилган мақсад ва ғояларни технологиялар, ўзаро ҳамжихатлик ва ўқув мазмуни билан ўзаро боғлай олиш ўқитувчининг инновацион маданияти муҳим мезони ҳисобланади. Лойиха мазмунини қабул қилинган ва ривожлантириладиган дастурга айлантириш учун анализ, тузатиш дастурининг ҳамма ташкил этувчилари ўртасидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш бўйича жамоатчиликдан кўп куч, ҳаракат талаб қилади

Амалий тажриба ишлари талабанинг инновацион фаолиятга тайёрлашда шахсий йўналтирилиш технологиясини қўллаш самарасини тасдиқлади. Бизнинг тажрибаларимизда талабаларни ривожлантириш рефлексив инновацион услублардан фойдаланилди: ташкилий-фаолият ўйинлари, инновацион амалиёт, тажриба майдонида текширишлари ва бошқалар. Ушбу услублар асосий мазмуни инновацион муаммоларни ечиш умумлаштирилган услубларни эгаллаш, мутахассислик рефлексиясини ривожлантиришдан иборат. Муаммони ечиш йўллари биргаликда излаш жараёнида яратилувчи инновацион фаолиятни шакллантириш иштирокчилар ҳаракатлари талабалар томонидан ўзлаштирилади ва мутахассислик муаммоларни ечиш бўйича шахсий воситалари бўлиб қолади. Ўқитувчининг инновацион ҳолатга тайёрлиги диагностикаси тажриба ишларини бошлашдан аввал ва уларни яқунлашдан сўнг қайд этилди.

Инновацион фаолиятга тайёргарликни кўрсата оладиган қуйидаги кўрсаткичларни биз белгилаб олдик: инновацион фаолият зарурлигини

тушуниб этиш; янгиликларни мактабга киритиш бўйича ижодий фаолиятини жалб этишга тайергарлик, инновациялар киритишга қаратилган ҳаракатлар натижа келтиришига ишониш. Шахсий мақсадларни инновацион фаолиятлар биланмослиги, мувофиқлиги; ижодий муваффақиятчиликни енгилга тайёрлик инновацион фаолиятнинг мутахассислик ва шахсий маданият билан уйғунлиги ўз илгариги тажрибаларини инновацион фаолият нуқтаи назаридан қабул қилиш инновацион фаолиятнинг мутахассислик мустақиллигига таъсири. Мутахассислик рефлексияга қобилиятлилик.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги асосий тамойиллардан бири - таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчи ва мураббийларни қайта тайёрлаш, юкори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириш, илғор педагогик технологиялар, педагогик инновацияларни таълим жараёнига киритиш ҳисобланади.

Аммо илғор педагогик технологиялар ва инновациялар ўз-ўзидан таълим тизимига кириб келмайди. Бу ўқитувчи фаолияти ва унинг мотивациясига боғлиқ жараён. Ўқитувчи фаолиятини ўзгартирмай туриб, унинг масъулияти ва фаоллигини оширмасдан таълимда бир қадам олдинга силжиб бўлмайди.

Замон шиддат билан ўзгариб борар экан, таълим соҳаси ҳам у билан баробар ўзгаради ва ўқитувчидан ўз фаолиятини ўзгартиришни талаб этади. Бугун ўқитувчининг асосий вазифаси фақат таълим беришгина эмас, балки бошқарувчиликдан иборат бўлиб, у таълим жараёнини тўғри ташкил қилиши ва бошқариши талаб этилмоқда.

Инновацион фаолият ўқитувчининг ҳамма муваффақиятини белгиловчи асосий фаолият бўлиб, у шахснинг касбий, методик маҳоратини сифатли қайта қуриш демакдир. Бизинг фикримизча, ўқитувчиларнинг инновацион

фаолиятга тайёргарлигини тахлил қилишни 3 босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Янгиликни педагогик фаолиятда қўллашдан олдинги даврдаги ўқитувчи фаолиятини тахлил қилиш.
2. Инновацион фаолиятнинг фаол шаклланиш даврини тахлил қилиш.
3. Педагогик жараёнга янгилик киритилиб бўлгандан кейинги даврдаги фаолиятни тахлил қилиш.

Инновацион фаолиятга тайёрлашдаги мавжуд муаммолардан бири-бу психологик тўсиқнинг мавжудлиги. Тарихдан маълумки, номаълум ва янги нарсалар ҳар доим инсонларда қўрқув ва хавотирни, ташвишланиш ҳолатини келтириб чиқарган.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда қийинчиликларга дуч келинишининг қатор сабаблари бор. Улар қуйидагилардан иборат:

- педагогларда консерватизмнинг мавжудлиги ва мослашувчанликнинг йўқлиги;

- таълим берувчи ва таълим олувчининг самарали ўзаро таъсирини ташкил эта олмаслик;

- янги педагогик технологияларни ўзлаштиришга нисбатан қизиқишнинг паст даражадалиги;

- таълим беришнинг анъанавий методларидан воз кечиб, замонавий методларини қўллай олмаслик.

Билимнинг барча соҳаларидаги жадал жараён туфайли амалда қўлланилаётган ўқув материалларида келтирилган ахборотнинг маълум бир қисми тезда ўз долзарблигини йўқотади ва янгилашни тақозо этади. Айниқса, бу ижтимоий-гуманитар фанларга тааллуқлидир. Асосий мақсад ўқувчига бериладиган билим сифатини ошириш ва самарадорликка эришишдан иборат экан, ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнида педагогика ва технология соҳасидаги сўнгги ютуқларга, ўқув

жараёнида замонавий педагогик технологияларни кўллаш механизмига катта эътибор бериш керак.

Инновацион фаолият педагогик маҳоратнинг юқори босқичи бўлиб, бунда жамоа аъзолари бир-бирини кўллаб-қувватлаши, киритилаётган янгиликнинг таълимда ўз ўрнини топишига ишонч билан қараш, қийинчиликларга дуч келганда рухан тушкунликка тушмасдан, ўз хатоларини кўра билиш ва уларни тузатишга ҳаракат қилиш талаб этилади. Ўз-ўзини тарбиялаб бориш, ўз устида тинмай ишлашга ҳаракат қилиш инновацион фаолиятнинг асосий шарти ҳисобланади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг шаклланишида педагогик жамоанинг алоҳида ўрни борлигини кўпчилик олимлар таъкидлаб ўтадилар. Ўқитувчиларнинг новаторлик хусусиятлари ва таълим жараёнидаги янгиликларга бўлган муносабатига қараб, К.Роджерс ва К.Ангеловский педагогик жамоа аъзоларини 5 та гуруҳга ажратишни таклиф этади. 1. Новаторлар. 2. Олдинги реализаторлар, 3. Олдинги кўпчилик. 4. Кейинги кўпчилик. 5. Иккиланувчилар.

Кузатувларга кўра ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёнида муайян муаммолар мавжуд бўлиб булар қуйидагилар:

1. Таълим тизимидаги инновациялар, инновацион таълим, ўқитувчи инновацион фаолиятини шакллантирувчи, унинг назарий ва амалий асосларини илмий жиҳатдан асослаб берувчи манбалар, махсус адабиётларнинг етарли эмаслиги.

2. Вилоятларда ва чекка туманларда жойлашган таълим муассасаларида инновацион фаолият, педагогик технология назарияси моҳиятини очиб берувчи амалий фаолиятнинг ташкил этилмаганлиги (семинар, тренинг, ўқув ва илмий-амалий конференциялар фақат туман ва шаҳар марказларида ташкил этилиб, чекка мактаб ва туман ўқитувчилари бундан беҳабар қолмоқдалар).

3. Муаммо доирасида оммавий ахборот воситаларида илғор ўқитувчилар тажрибалари ҳақида, таълим жараёни мазмунидаги янгиликлар тўғрисида

маълумот берувчи таҳлилий чиқишлар уюштирилишига этарли даражада эътибор берилмаётганлиги.

4.Ўқитувчи инновацион фаолияти, инновацион таълим муаммоларига бағишланган методик тавсиялар ва қўлланмаларнинг камлиги.

Ушбу муаммоларнинг ижобий ечимини таъминлаш педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида касб маҳорати фанларини ўқитиш дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиш лозим бўлади.

Инновацион фаолият шаклланишида янгиликка нисбатан ички эҳтиёж ва қизиқишнинг юзага келиши, янгилик киритишга нисбатан рағбатнинг қарор топганлиги, раҳбарият ва педагогик жамоа бирлиги, педагогик жамоа аъзоларининг инновация моҳиятидан хабардорлиги, ўқитувчиларда янгилик киритиш учун педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларнинг таркиб топганлиги, Педагогик фаолиятда янгиликни қўллай олиш маҳоратига эгаллиги, ижодкорлик ва изланувчанлик, ўқувчилар ва педагогик жамоа орасида кўтаринки кайфиятни яратиш сифатларининг мавжудлиги асосий ўрин эгаллайди.

Шу ўринда инновацион фаолият натижаси нимада кўринади?-деган савол тугилиши табиий.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг натижаси қуйидагиларда кўринади:

- бажарилиши лозим бўлган ишнинг максadini аниқлай олишида;
- ностандарт вазиятларни таҳдил этиб, тезкор хулосалар чиқара билишида;
- муаммоларни хал этишнинг макбул восита ва усулларини излаб топиш, кузатиш ва тажриба натижаларини тизимлаштиришда;
- ўз устида мустақил ишлашни режалаштира олишида;
- ўз иши натижасини назорат ва таҳдил қила олишида;
- янги ахборот технологияларидан фойдаланиш малакасининг мавжудлигида;
- янги гояларни излаб топа олиши, педагогик масалаларни алгоритмлаштириш малакасига эгаллигида.

Инновацион фаолиятнинг шаклланганлик даражаси ўқитувчида ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш кўникма ва малакапар таркиб топганлиги, ўқитувчи ўз фаолиятида инновацияларни, педагогик технологияларни қўллай олиш маҳоратига эгаллиги, ўзидан бошқа тадқиқотчи педагоглар тажрибаларини таҳлил қилиб, уни амалиётда қўллай олиши, фикр ва тажриба алмашиб, методик ёрдам кўрсата олиши, муаллифлик концепцияларини ярата олиш маҳоратига эгаллиги, зиддиятлар олдини олиш педагогик вазиятларда тўғри қарор қабул қилиши билан белгиланади.

Республикада таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислох қилиш, уни миллий рух билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларини яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишларга боғлиқ. Бу йўналиш кенг камровли бўлиб, мазмунан такомиллашиб бормоқда. Таълимда янги педагогик технологияларни қўллаш таълимнинг бутун жараёнини аниқ режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнини мақсадга кўра индивидуаллаштиришни назарда тутди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимини тубдан ислох қилиш бугунги кун ўқитувчиси замонавий технологиялар асосида дарс ташкил қилиш давр талабидир. Бугунги кунда масофавий таълим ташкил қилинганлиги ривожланган мамлакатлар қатори таълим тизимимиз ривожланаётганлигидан далолатдир. Кам куч сарфлаб кўп нарсага эришиш фаолиятимиз технологияланувчанлигидир. Ҳар бир ўқувчи ва талабаларнинг келажагини қуриб бериш режа асосида тақдирини белгилаш биз ўқитувчиларга катта маъсулиятни юклайди. Шунини инобатга олиб қуйидагиларни тақлиф қиламан.

1. Таълим жараёнини сўнги ахборот технологиялар асосида ва замонавий таълим технологияларни қўллаб ташкил этиш.
2. Масофавий таълимни кенг тарғиб қилиб ҳар бир мутахассислик бўйича фанларда қўллашни йўлга қўйиш.
3. Коммуникатив фаолиятни ота – оналар, маҳалла ҳамкорлигида фарзандларимиз тарбиясини баркамол шахс сифатида тарбиялаш

учун астойдил бел боғлашимиз;

4. Тарбияланувчиларни меҳнатсевар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаб келажаги буюк давлатимиз равнақи учун доимо қайгуришимиз, курашмоғимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон буюк келажак сари". – Т.: Ўзбекистон,
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.–Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
4. Каримов И.А. "Ўзбекистон демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамият асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари". Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруза. "Адолат" 2002 й. 30 август.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, еркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8.– Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Ўзбекистон. 1997.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонун (1997 йил 29 августда қабул қилинган) қ. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Ўзбекистон. 1997.
8. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар".–Т.: "Ўзбекистон" нашриёти, 2000.
9. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. –Т.: ТДПУ, 2003.
10. Олий педагогика ўқув юртларининг ўқув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг илмий асослари Республика илмий-методик конф. Материаллари. – Т.: ТДПУ. 2000.
11. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. –қарши. Насаф, 2000.
12. Толипов Ў.қ, Усманбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Монография. –Т.: «Фан», 2005.
13. Толипов Ў.қ, Усманбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. –Т.: «Фан», 2006.
14. Толипов Ў.қ. Тажриба-синов ишларини ўтказишдан янги педагогик технологиялар. Т., «Халқ таълими», 1999 й. №2-3.
15. Толипов Ў.қ. Таҳсил олувчиларнинг мустақил ишларида ўқитиш воситалари. Т., «Халқ таълими», 2000 й. №3.

16.Толипов Ў.Қ. Таълимда ўргатувчи ва ўрганувчи фаолиятлари
уйғунлашуви. Т., «Халқ таълими», 2000 й. №3.